

ҚАРОР ВА ИМТИЁЗ

**60 МЛН. КИШИ
ЎТА ҚАШШОҚЛИК
ОСТОНАСИДА ТУРИБДИ**

Жаҳон банки мутахассислари коронавирус пандемияси туфайли глобал иқтисодиётда чуқур рецессия юз бериши мумкинлигини тахмин қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, инқироз туфайли дунё бўйлаб 60 миллион киши ўта қашшоқликда қолиши мумкин.

Ана шундай оқибатларнинг олдини олиш учун Жаҳон банки дунё аҳолисининг 70 фоизи истиқомат қиладиган 100 та мамлакатга қўшимча кредитлар тақдим этади. Ташкилот ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини тиклашга ёрдам бериш учун 2021 йил ўрталарига қадар 160 миллион доллар миқдордаги грант ва молиявий қўмаклар кўрсатишга ваъда берди.

ЖБ президенти Дэвид Малпасс қарз берувчи давлатларни бир қатор ривожланаётган давлатлар томонидан қарзларни тўлашга мораторий эълон қилган G20 ташаббусига қўшилишга ҳам чақирди.

ЖАНОБИ ҚУРУВЧИЛАР!

Қўшимча имтиёزلардан фойдаланиб қолинг



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларда кўп қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, қуйидагилар божхона тўловларидан (қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади:

- 2021 йил 1 январгача бўлган мuddатда импорт қилинадиган янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташиш транспорт воситалари (27 турдаги);

- 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача кўп қаватли монолит уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда

шақлантириладиган рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган бетон куйиш қолиплари, бетон тайёрлаш машина ва механизмлари.

Божхона тўловларини тўловчилар 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлгача бўлган мuddатда импорт қилинадиган қурилиш соҳасида фойдаланиладиган машина ва механизмлар, технологик жиҳозлар, кичик механизация воситалари, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар бўйича божхона тўловларини (қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 120 кунгача кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

АНДИЖОН: ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ?



2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига Андижонда хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 20,5 мингтага етди ёки жами ташкилотлар умумий сонининг 64,2 фоизини ташкил этди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 9,5 %ни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш, шунингдек, ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар улуши 3,8 %дан иборат бўлди. 2019 йили ушбу соҳада 18,8 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган. Улар таркибида савдо хизматлари – 40,8 %, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 7,3 %, ташиш ва сақлаш – 6,1 %, ахборот ва алоқа – 3,0 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 3,5 %, бошқа турлар – 39,3 %ни ташкил этган.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг 44,4 %, таълим соҳасидаги хизматлар 18,0 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 16,0 %, бошқа хизматлар 9,1 %, савдо хизматлари 4,7 %га ўсгани таъсир этди.

Ўтган даврда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар улуши ҳам 0,8 %га етди. Шунингдек, яшаш ва овқатланиш соҳасидаги хизматлар – 1,5 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 1,7 %, ижара хизматлари – 2,3 %, шу билан бирга, компьютерларни таъмирлаш хизматлари – 2,3 %ни ташкил этди.

Давлатимизнинг иқтисодий сиёсатида муҳим ўрин тутаётган ахборот ва алоқа хизматлари (мобиль алоқа, интернет, рақамли телевидение ва бошқалар) каби замонавий молиявий хизмат турларини (банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, консалтинг ва бошқалар) ривожлантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ана шундай талаблар асосида энг юқори ўсиш суръатлари молиявий (144,4 %), таълим соҳасидаги (118,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (116,0 %), шунингдек, бошқа хизматларда (109,1 %) қайд этилди.

Маълумки, савдо – бу товарлар айланишини, уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ўтишини таъминлайдиган иқтисодиёт соҳасидир. Ушбу соҳа бир давлат ичида савдо товарларини зарур истеъмолчига етказиб бериш вазифасини бажаради. У улгуржи ва чакана савдога бўлинади.

2020 йилнинг январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматларида умумий ҳажмидаги савдо хизматларининг улуши 30,4 %ни ташкил этиб, 790,7 млрд. сўмга тенг бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,6 млрд. сўмга ошди, деганидир. 2020 йил январь-март ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 133,3 млрд. сўм даражасида белгиланди. Қайд этиш жоизки, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу турдаги хизматларнинг ўсиш суръати 116,0 %га етди. Ушбу соҳанинг кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 5,1 %ни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган жами бозор хизматларининг энг катта ҳажми Андижон шаҳрида (1309,9 млрд. сўм) қайд этилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,1 %ни ташкил этди.

Шу билан бирга, юқори ўсиш суръатлари Асака (106,9 %), Андижон (106,5 %) ва Шаҳрихон туманларида (106,3 %) қайд этилди.

Унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Хўжаобод тумани (104,6 %) ва Хонобод шаҳрида (104,1 %) ҳамда Улуғнор туманида (103,6 %) кузатилди. Хизматларнинг умумий ҳажмида энг юқори улушларни Андижон шаҳри (50,3 %), Асака (6,0 %), Шаҳрихон (5,7 %) ва Андижон туманлари (5,0 %) эгаллади. Ана шу даврда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 831,2 минг сўмга тенг бўлди. Уси суръати эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 %ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Андижон шаҳрида 2958,8 минг сўмдан, Улуғнор туманидаги 312,6 минг сўмгача бўлган оралиқни ташкил этади.

Маълумки, хизматлар соҳасининг ривожланиши мамлакатимизда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти ва имтиёзларига, хусусан, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, айниқса замонавий хизмат турларига бўлган истеъмолчилар талабини қондира оладиган кичик бизнеснинг ривожланишига боғлиқдир.

Бошқача айтганда, бир томондан, хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмига уй ҳўжаликлари даромадлари ва имтиёзлар, хизматларга тарифлар, бошқа томондан – инвестициялар, солиқ, пул-кредит ва давлат сиёсати, илмий-техник сиёсат, шунингдек, кичик бизнеснинг ривожланиши каби омиллар таъсир қилади.

Дилёрбек МАННОПОВ,
Андижон вилояти статистика бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси